

ШАРТНОМА № 392/54
(фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома)

Тошкент ш.

2026 йил “ 02 ” феврал

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ислом цивилизацияси маркази (кейинги ўринларда – “Буюртмачи”) номидан 05.01.2026 йилдаги 01-сон ишончнома асосида иш юритувчи, директор ўринбосари Р.Ражапов, бир томондан, ва

“Худайназаров Исо Байсоатович ” (кейинги ўринларда – “Бажарувчи”) иккинчи томондан, биргаликда “Томонлар”, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказининг фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва мувофиқлаштириш бўйича Васийлик кенгаши мажлисининг 2025 йил 11 мартаги 26 - сон баёни, Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази Кенгайтирилган Илмий кенгашининг 2025 йил 4 мартдаги 11-сон мажлис Баёни, Илмий кенгашининг 2025 йил 21 апрелдаги 13-сон қарорига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 16 июндаги 392м-сон фармойиши ҳамда Марказнинг Кенгайтирилган Илмий кенгаш мажлис йиғилишининг 2025 йил 27 декабрдаги 34-сонли мажлис баёни қарорига асосланиб, Томонлар мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. Ушбу шартномага асосан Бажарувчи томонидан **қуйидаги хизматлар кўрсатилади:**

“Ўзбекистон тарихий маданий атласи ” га кирган хариталарга тузатиш ишларини якунларда ва уларнинг ҳар бирига изоҳ ёзади ҳамда нашрга тайёрлаш жараёнида иштирок этади.

1.2. Бажарувчи ушбу шартномада назарда тутилган миқдорда ва шартларда кўрсатилган хизматларни тақдим этади Буюртмачи эса ушбу сифатли тарзда бажариб топширилган хизматлар, ишлар ҳақини тўлаб бериш мажбуриятини олади.

1.3. Шартнома муддати: **2026 йил “ 28 ” 02 гача.**

1.4. Кўрсатилган хизматлар (бажарилган ишлар) икки томонлама тузилган “Топшириш-қабул қилиш ҳақида”ги далолатнома асосида қабул қилиб олингандан кейин бажарилган ҳисобланади ҳамда тўловлар ушбу далолатнома асосида амалга оширилади.

1.5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 17 декабрдаги 796-сон “Аҳолига давлат ижтимоий суғуртаси бўйича тўловларни амалга ошириш тизимини такомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида:

- давлат ижтимоий суғуртаси доирасида барча иш берувчилар, шу жумладан якка тартибдаги тадбиркорлик субъектлари томонидан ходимларга бериладиган барча турдаги таътиллари, шунингдек, фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномаларни «ЯММТ» ИДАКда рўйхатга олиш тизими йўлга қўйилганлиги;

- суғурталанган шахсларга, уларнинг хоҳишига кўра бир календарь йил давомида 2 иш кунидан кўп бўлмаган иш ҳақи сақланмайдиган қўшимча таътил олиш ҳуқуқи берилганлиги;

- «ЯММТ» ИДАКда ходимларга бериладиган барча турдаги таътиллари ва фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномаларни рўйхатга олиш имкониятини яратилганлиги инобатга олинади.

2. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. Бажарувчининг мажбуриятлари:

2.1.1. Ушбу Шартнома бўйича Буюртмачига ўз вақтида, белгиланган миқдорда ва сифатли хизматларни кўсатиш.

2.1.2. Буюртмачи кўрсатмасига асосан, бажарилган ишларни камчилигини баргараф этиши, ишларни тўлдириши, ўзгартириши киритиши ва ишларни қайта топшириши шарт.

2.1.3. Буюртмачининг талабига кўра, барча аниқланган камчиликларни 3 кундан 7 кунгача муддат давомида бепул тузатиш ва қайта топшириш.

2.1.6. Хизматларни шахсан ўзи ёки учунчи шахсларни жалб қилган ҳолда амалга ошириши мумкин. Лекин, шартнома бўйича умумий жавобгарлик Бажарувчини шахсан ўзини зиммасида қолади.

2.1.7. Ишларни бажариб бўлиб, уларни Буюртмачига топшириш-қабул қилиш далолатномаси асосида (ҳар ойда) топшириш.

2.1.8. Ушбу шартнома бўйича бажарилган ишлар, хизматлар ва уларни ҳужжатларини учунчи шахсларга бермаслик, таркатмаслик.

2.1.9. Учунчи шахслардан холи бўлган муаллифлик ҳуқуқи ишларини Буюртмачига топшириш.

2.1.10. Бажарилган ишларни ўз муддатида Буюртмачига топшириш.

2.1.11. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини тўлиқ ва сифатли равишда бажариш, шунингдек:

- агарда шартнома бўйича техника ва асбоб-ускуналар бириктирилса, улардан тўғри ва ўз мақсадига кўра фойдаланиш;

- Буюртмачига ҳар қандай моддий зарар, зиён етказмаслик чораларини кўриш;

- Буюртмачига етказилган барча моддий ва маънавий зарарни қоплаб бериш;

- сўралган ҳисоботларни ўз вақтида, таҳлилий маълумотлар асосида тайёрлаш, ўз вақтида тақдим этиш, тайёрланган маълумотлар ва ҳисоботларда қайд этилган маълумотларнинг тўғрилиги учун шахсан жавоб беради.

2.2. Бажарувчининг ҳуқуқлари:

2.2.1. Шартномада белгиланган хизматларни сифатли ва ўз вақтида бажариш учун зарур бўлган маълумотларни талаб қилиш.

2.2.2. Шартнома бўйича сифатли бажарилган ҳамда икки томонлама имзоланган далолатнома асосида қабул қилиб олинган, бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар ҳақини талаб қилиши мумкин.

2.3. Буюртмачининг мажбуриятлари:

2.3.1. Шартнома юзасидан Бажарувчини барча маълумотлар ва ҳужжатлар билан таъминлаш.

2.3.2. Бажарувчининг мурожаатларини ўз вақтида, ҳар томонлама, оқилона кўриб чиқиш.

2.3.3. Шартнома бўйича сифатли бажарилган ҳамда икки томонлама имзоланган далолатнома асосида қабул қилиб олинган, бажарилган ишлар ҳақини тўлаб бериш.

2.3.4. Шартнома томонларнинг ўзаро келишувига кўра шартнома муддатидан илгари бекор қилинган тақдирда, Буюртмачи, Бажарувчининг амалда бажарган, шартнома шартларига мос келган ва Буюртмачини қониқтирган хизматларига мутаносиб равишда ҳисоб-китобни амалга оширади.

2.3.5. Исталган вақтда Бажарувчининг фаолиятига аралашмаган ҳолда кўрсатилаётган хизматларнинг бориши ва сифатини текшириш.

2.4. Буюртмачининг ҳуқуқлари:

2.4.1. Ушбу шартнома бўйича Бажарувчи томондан бажарилаётган, бажарилган хизматларни сифат даражасини текшириш ҳамда камчиликлари ҳақида огоҳлантириб бориш.

2.4.2. Ушбу шартномага асосан ишлар сифатли даражада бажарилмаганда, моддий зарар етказилганда Бажарувчига нисбатан молиявий жарималар белгилаш.

2.4.3. Бажарувчи томонидан ушбу шартнома доирасида кўрсатилган хизматлар, тайёрлаган маҳсулотлар, тақдим этилган маълумотларнинг барчасидан фойдаланишнинг мутлақ ҳуқуқлари (экслюзив ҳуқуқ) Буюртмачига ўтади, шу жумладан улардан қонунга зид бўлмаган ҳолда ҳар қандай усулда фойдаланиши, ишлатиши мумкин (оммавий намойиш этиш, эфирга узатиш, ижро этиш, тарқатиш, унинг асл нусхасини ёки нусхаларини сотиш ёки бошқа йўл билан бегоналаштириш, тарқатиш мақсадида асл нусхасини ёки нусхаларини импорт қилиш ёки ижарага бериш ёхуд қайта ишлаш).

2.4.4. Ушбу шартнома бўйича якуний натижага (маҳсулотлар, ишлар, хизматлар ва бошқа) эгалик ҳуқуқи тўлиқ равишда Буюртмачига тегишлидир.

3. ТОМОНЛАР ЖАВОБГАРЛИГИ

3.1. Томонлар ўз зиммасига олган мажбуриятларни тўлиқ ёки қисман бажармаганида Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига асосан жавобгар бўлади.

3.2. Бажарувчи томонидан ушбу шартнома доирасида кўрсатилган хизматлар (тайёрлаган маҳсулотлар) тақдим этган маълумотларининг мазмуни, холислиги, маҳсулотлар ва улар ҳақидаги маълумотларга оид саволлар ва учинчи шахслар томонидан барча юзага келиши мумкин бўлган шикоятларга шахсан жавобгар ҳисобланади.

3.3. Агар Томонлардан бири узрли сабабларга кўра шартнома шартларини бажара олмаса, бу ҳақда иккинчи томонни 10 (ўн) кун олдин огоҳлантириши зарур.

3.4. Бажарувчи ушбу шартнома шартларини бажармаганда ёки лозим даражада бажармаганида, Буюртмачи шартномани муддатдан аввал ўз ташаббуси билан бир томонлама шартномани бекор қилишга ҳақлидир.

3.5. Бажарувчи шартноманинг 2.1-бандида кўрсатилган хизматларни бажариш муддатини бузган тақдирда, Буюртмачига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,2 фоизи миқдоридан пеня тўлайди, бироқ бунда пеня шартнома баҳосининг 20 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

3.6. Бажарилган ишлар ҳақи тўловини муддати кечиктирилганда Буюртмачи томонидан Бажарувчига, кечиктирилган ҳар бир кун учун 0,2 миқдоридан, лекин тўланмаган миқдорнинг 20 фоизидан ошмаган миқдорда пеня тулайди.

3.7. Шартнома муддати тугагандан кейин Буюртмачи иш фаолиятига ва унинг манфаатларига тегишли бўлган барча ҳужжатлар, жумладан, хат, чизмалар, белгилар, китоблар ва бошқалар, шу билан бирга, модель намуналари, асбоб-ускуналар ва материалларни Бажарувчи қўшимча талабларсиз Буюртмачи корхонасига қайтариши шарт.

4. ШАРТНОМА НАРХИ ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ

4.1. Ушбу шартнома баҳоси жами: 5685000
(Беш миллион алтмиш саксон бар минг) сўми, НДФЛ билан ташкил қилади.

4.3. Буюртмачи томонидан бажарилган Хизматларга ҳақ тўлаш, пул маблағларини Бажарувчининг банк ҳисоб варағига ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

5. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

5.1. Агар томонлардан бири шартнома шартларини бажармаса, айбдор томон етказилган зарарни қоплаган ҳолда шартномани муддатидан олдин бекор қилиш мумкин.

5.2. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги доирасида ушбу шартнома ўзаро келишув асосида бекор қилиниши мумкин.

6. МАХФИЙЛИК

6.1. Томонлар ушбу шартномани бажарилиши юзасидан ўзларига маълум бўлган тижорат сираларини учунчи шахсларга ошкор қилмасликлари шарт.

6.2. Шартнома бўйича Бажарувчи ўз фаолиятини амалга ошириш жараёнида аён бўлган махфий маълумотларни, тижорат сирини сир сақлаши шарт (бундай маълумотларга Буюртмачининг ҳамкорлари, молиявий аҳволи, ишчилар таркиби, кўриклаш тизими ҳақидаги, шунингдек бегона шахслар томонидан фойдаланилиши Буюртмачига ҳамда унинг ишчилари, ҳамкорлари ва мижозларининг манфаатларига зарар етказиши мумкин бўлган бошқа маълумотлар кирази).

7. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ЧОРАЛАР

7.1. Ушбу шартнома бўйича Томонлар Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши қонунчилиги талабларига риоя этишга ва ушбу шартномага мувофиқ ўз ҳуқуқлари ёки мажбуриятлари билан боғлиқ равишда коррупцияга қарши қонун ҳужжатлари нормаларини бузишига қарши мумкин бўлган ҳар қандай чоралар кўришга мажбурдирлар. Шу жумладан, тижорат ташкилотлари, ҳокимият ва ўзини ўзи бошқариш органлари, жисмоний ёки юридик шахсларга давлат хизматчилари, хусусий компаниялар ва уларнинг вакилларига пул ёки бошқа ҳар қандай шаклда пора бериш тақиқланади.

8. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

8.1. Ушбу шартномани бажариш чоғида юзага келиши мумкин бўлган низолар ва келишмовчиликлар Томонлар ўртасидаги музокаралар йўли билан ҳал этилади.

8.2. Ўзаро келишувга эришилмаган тақдирда низолар судда Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги доирасида ҳал этилади.



9. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

9.1. Ушбу шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда тузилган ҳамда Тарафларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзоланган бўлса, ҳақиқийдир. Ушбу шартномага иловалар унинг ажралмас қисмини ташкил этади.

9.2. Мазкур шартномада қисман ёки тўла равишда тартибга солинмаган масалалар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик қонунчилиги ва ички меъёрий ҳужжатларга биноан ҳал қилинади.

9.3. Ушбу шартнома Томонлар учун икки нусхада тузилди ва улар бир хил кучга эга.

10. ТОМОНЛАР МАНЗИЛЛАРИ, РЕКВИЗИТЛАРИ

“БУЮРТМАЧИ”	“БАЖАРУВЧИ”
<p data-bbox="292 1160 753 1193">Ислом цивилизацияси маркази</p> <p data-bbox="220 1234 791 1413">Манзили: Ташкент шаҳри, Қорасарой-47. Банк: ХККМ Марказий банк Тошкент ш. Бош бошқармаси. р/с: 23402000300100001010. МФО: 00014. СТИР: 305 013 690.</p> <p data-bbox="331 1480 679 1742"> Р. Ражапов</p>	<p data-bbox="874 1167 1422 1200">Худайназаров Исо Байсоатович</p> <p data-bbox="847 1249 1449 1429">Адрес: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Феруза 4/10 Паспорт: АВ 6743631, берилган вақти 17.05.2017 йилдан 16.05.2027 йилгача. ИНН: 539014286</p> <p data-bbox="847 1451 1369 1485">Пластик карта: 5614 6887 1917 5829</p> <p data-bbox="847 1507 1082 1541">Банк: Aloqa bank</p> <p data-bbox="847 1574 1329 1659"> И. Худайназаров</p>

ЮРИДИК ХУЛОСА

Мазкур шартнома лойиҳаси Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги яъни Фуқаролик кодексига, «Хўжалик юритувчи субъектларнинг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида» ги 29.08.1998 йил қунги Қонуни талабларига мос келади.

Юрист  Б. Рўзметов